МУЛОҲАЗА

# МАҲАЛЛАНИНГ УЧ ТАЯНЧИ

Халқимизнинг миллий ва маънавий қадриятлари истиқлол туфайли қайта тикланмоқда, анъаналаримиз ривожи учун кенг имкониятлар яратилди. Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ҳаётимизга янада чуқурроқ сингиб бормоқда. Аммо яширишнинг ҳожати йўқ, айрим мушкулликларга ҳам дуч келмоқдамиз. Зеро, азал-азалдан эскилик ва янгилик ўртасидаги кураш давом этади. Турли дунёқарашлар, сиёсий оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасида фикр алмашувлари, бошқача айтганда турли хил, ҳатто бир-бирига зид мақсад ва манфаатларни ифода этувчи жараёнлар давом этмоқда. Ижтимоий тараққиёт, вужудга келган шарт-шароитлар мустақиллик даврида миллий мафкурани такомиллаштириш омилларининг аҳамиятини янада кучайтиради.

Сал кам саккиз йиллик ўтмишга қайтиб, мулоҳаза қилиб кўрсак, истиқлолнинг дастлабки йилларида кўзланган мақсадларни амалга ошириш учун тўғри, аниқ йўлни белгилаб олиш асосий вазифаларимиздан бири эди. Бу йўл халқимизнинг удумлари, анъаналари, турмуш тарзи, миллий тафаккуримизга мос бўлишини ҳаётнинг ўзи тақозо этарди. Мамлакатимиз Президенти томонидан бу йўл аниқ ва равшан қилиб белгилаб берилди. Мустақиллигимизни мустаҳкамлашда маънавий тамойилларнинг устуворлигини эса Юртбошимиз қайта-қайта таъкидламоқдалар.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий мақсади эркин фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик туйғуси ёт, жасур, ташаббускор инсонни, янги даврнинг янги кишиларини тарбиялашдир. Бу кўп жиҳатдан ўзини ўзи бошқариш идоралари — маҳалла йиғинлари фаолиятига боғлиқдир. Шу боисдан ҳам қадимги анъаналаримиз ва қадриятларимизга таянган ҳолда миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришнинг сарчашмаси бўлган маҳаллалар фаолиятини жонлантириш, ривожлантириш бугунги куннинг талабига айланди.

Маҳалла анъаналаримиз, удумларимиз, қадриятларимиз тўла-тўкис ўз аксини топган бошқарув тизимининг муҳим бўғинидир. Маҳалла мисолида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувида шаклланган ноёб тузилма намоён бўладики, унинг илдизлари тарихан таркиб топган ижтимоий муносабатларга бориб тақалади. Бу анъана қайта тикланмоқда, сайқалланмоқда, янги мазмун касб этмоқда.

Олий Мажлиснинг XIV сессиясида янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" Қонун қабул қилинганлиги мазкур янгиланишнинг яққол далилидир. Бу Қонун маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимини янада такомиллаштириш имкониятларини очиб берди. Юртбошимизнинг мазкур сессияда:

"Биз олдимизга фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадини қўйганмиз. Фуқаролик жамиятини қуриш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич топширишни кўзда тутади", деган сўзлари маҳаллаларга бўлган катта ишончни билдиради.

Маҳалла ёшлар тарбиясини такомиллаштириш, истиқлолга муносиб соғлом авлодни вояга етказиш, ёшларда ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш, миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилиш ҳамда оилалар тотувлиги ва фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

***Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш масаласи ҳам катта аҳамият касб этади. Бу борадаги асосий вазифалар ҳокимият барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишни кучайтиришдан иборат.***

**Президент Ислом КАРИМОВнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасидан.**

Ҳозирги кунда юқорида санаб ўтилган вазифаларни тўлалигича амалга оширишда асосан уч соҳа вакиллари — маҳалла йиғини, дин уламолари (имомлар), маҳалла посбонлари — нозирларининг ҳамкорлигини йўлга қўйиш ниҳоятда муҳим. Маънавиятимизнинг негизи бўлган мазкур кучларни ягона мақсад — келажакнинг мустаҳкам пойдеворини қуришга йўналтириш, шак-шубҳасиз, ўзининг ижобий самараларини беради. Бу жараён халқнинг куч-қудрати, ақл-заковатини бирлаштиради, уларни янги вазифаларга йўналтиради, жамият тараққиётини маънавий жиҳатдан бойитади.

Айтиш жоизки, ҳар қандай ижтимоий ўзгаришлар одамлар учун ва ўз навбатида уни одамлар бошқарадилар. Маҳалла эса бошқариш ва аҳоли уюшганлигининг илк бўғини сифатида ўз бошқарувчиларига эга. Оқсоқол, имом, нозир ана шу бўғинда энг муҳим вазифаларни бажаради. Аслида, улар фаолияти бир мақсадга қаратилган. Яъни, маҳалла ободлиги, кишилар ҳамжиҳатлиги, оилалар тинчлиги — бу фаолиятнинг асосий йўналишидир.

Маҳалла тинч — юрт тинч. Бу эса кўп жиҳатдан оқсоқол, имом, нозирларга боғлиқ. Агар улар ўз фаолиятларига мактаб ўқитувчилари, жамоа хўжалиги фаоллари ва бошқаларни жалб қила олсалар кўзланган мақсадга етиш осонлашади. Ана шунда ёшларимизни ҳеч ким ўз ғараз мақсадларига бошлай олмайди, бир болага етти маҳалла ота-она, деган ҳикмат турмушимизда ўз ифодасини топади.

Фуқароларнинг бир ҳудудда муросаи мадора ва келишувчанлик билан яшаши аҳолининг турмуш даражаси ошиб боришини таъминловчи омиллардан биридир. Шу билан бирга, ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолиятининг пировард натижаси уларнинг мустақил тизим сифатида жамиятимиз ҳаётида долзарб масалаларни ҳал қилиш, айниқса, ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, тарихан таркиб топган удум ва анъаналаримизни авайлаб асраш ва бойитишга қаратилгандир. Бундай кенг кўламли вазифаларни амалга оширишда бой ҳаётий тажрибага эга бўлган маҳалла кенгаши оқсоқоллари, маърифатли имомлар ҳамда нозирларнинг доимий ҳамкорлигини йўлга қўйиш шу куннинг талабларидан бири бўлиб қолди.

Маълумки, Ислом дини юксак ахлоқий андозаларни ўзида мужассамлаштирган. Диннинг яна бир жиҳати шуки, у қалбни поклайди, қийинчиликларни енгишда инсонга маънавий куч бағишлайди. Умуминсоний қадриятларни сақлаб қолиш, уларни авлоддан авлодга етказишда маҳалла кенгашларига қўл келади. Бу хусусда Президентимиз Ислом Каримов "Туркистон-пресс" ахборот агентлиги мухбири саволларига берган жавобларида: "Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур эта олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз... Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини мухтасар қилиб айтиш мумкинки, Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда" — деган сўзлари диққатга сазовордир. Дарҳақиқат, хонадонларимизда тотувликни қарор топтиришда маҳалла масжидлари имомларининг хизматлари эътироф этишга лойиқ. 16 февраль воқеалари маҳалла оқсоқоллари, масжид имомлари ва маҳалла нозирларини ҳушёрликка чорлайди. Уларнинг ҳамкорликдаги фаолияти эса халқимизни янада жипслаштириш учун хизмат қилади.

Маълумки, сўнгги йилларда, хусусан ёшларимиз орасида турли диний ташкилотлар — насронийлар, католиклар, буддавийлар, баҳоийлар ва бошқалар томонидан яширинча миссионерлик ишлари олиб борилди. Шунингдек, турли мутаассиб ақидапараст гуруҳлар ёшларни ёлғон ваъдалар билан ўз сафларига тортиб, ҳокимиятни қўлга киритиш учун курашга даъват этди. Бундай ҳолларда маҳалла оқсоқоллари, нозирлари ҳамда дин пешволари жойларда биргаликда, дин ўз йўлидан, давлат ўз йўлидан боришини, диний партиялар тузиб, ҳокимият талашиб юришлар Худога ҳам ёқмаслигини тушунтиришлари, ҳушёр бўлишга, жиноят кўчасига кирмасликка ундашлари мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бугунги кунда собиқ иттифоқ сиёсати ва мафкурасига хизмат қилган, асосан узоқдаги марказнинг топшириқларини кўр-кўрона бажариб, маҳалла ва одамлардан ажралиб қолган ижрочи зобитлар даври ўтди. Эндиликда бу соҳада ҳам миллий кадрларимиз шаклланди. Улар халқимиз руҳияти, турмуш тарзини яхши билишади. Нозирлар иш тажрибасини ўрганиш шундан далолат берадики, уларнинг ўзлари масъул бўлган маҳалла аҳли билан ҳамжиҳатлиги яхши натижаларга олиб келади. Одамларнинг маҳалла нозирларидан ётсирамаслиги, элга яқинлик, маҳалла ташвишларидан хабардорлик, оқсоқоллар ва бошқа фаоллар билан ҳамкорлик, нозирлар фаолиятининг асосий мезонига айланиб қолди.

Маҳалла нозирлари жиноятчилик, гиёҳвандлик, тартиббузарлик ҳолатларини олдини олишда маҳалла оқсоқоллари, имомлар тажрибаси ва маслаҳатларига таяниб иш олиб борсалар кўзланган натижаларга эришадилар. Маҳаллаларда Ички ишлар вазирлиги ходимлари иштирокида маърузалар ташкил қилиш, учрашувлар ўтказиш тажрибасини мунтазам йўлга қўйиш лозим.

Маҳалла оқсоқоли, масжид имоми ва нозир маҳалла муҳитига катта таъсир кўрсатадилар. Айниқса, улар маслаҳатлашиб тўй-ҳашамларни, маърака-маросимларни дабдабасиз, исрофгарчиликсиз ўтказишни йўлга қўйсалар нур устига аъло нур бўлар эди. Хайрия ва закотни нафақат масжидлар қурилиши, балки ночор оилаларга тарқатиш, мактаб ва боғчаларни таъмирлаш каби ишларга сарфлаш ҳам катта савоб эканлигини тушунтириш уларнинг бевосита вазифасига киради.

Эл-юрт назаридаги маҳалла оқсоқоллари, имомлар ва нозирларнинг ҳамкорлиги тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири эканлигига шубҳа йўқ.

Президентимиз Олий Мажлиснинг XIY сессиясида Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш масаласига ҳам эътибор қаратдилар. Бу эса табиийки, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари имкониятини янада кенгайтиради, зиммасидаги масъулият ва вазифаларни оширади.

**Ортиқбек ЮСУПОВ.**







*Шу кунларда Нукус шаҳридаги Бердақ музейини таъмирлаш, экспонатлар билан бойитиш, уни ҳар томонлама маърифат ўчоғига айлантириш учун қизғин ишлар кетмоқда. «Қорақалпоқагроқурилиш» бирлашмасига қарашли 315-кўчма жамланма қурувчиларининг қўли қўлига тегмайди.*

**СУРАТЛАРДА: музейнинг умумий кўриниши; қурувчилар Яхшимурод Жуманиёзов ва Қуртанғози Маҳамовлар иш устида.**

**Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## ЯНГИ САВДО МАЖМУИ

Самарқандда "Оловуддин" савдо мажмуи фаолият кўрсата бошлади. Икки қаватли бу мажмуада аҳолига намунали савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатилади. Биринчи қаватда харидорлар зарур кундалик эҳтиёж моллари, уй-рўзғор буюмларини харид қилиши мумкин. Иккинчи қаватдаги зал эса турли тадбир ва тўй-томошалар, учрашувлар ўтказиш учун мўлжалланган.

Янги савдо мажмуининг очилишида вилоят ҳокими Э.Рўзиев қатнашди.

**Ҳ. ШУКУРОВ, ЎзА мухбири.**

## СУВ ОМБОРИ ҚУРИЛМОҚДА

**Хатирчи туманидаги Кўксарой қирлари, Оқтов адоғига тирмашган ясси тепаликлар асрлар давомида сувга зор эди. Бу ерлардан фақат чўпон-чўлиқларнинг қўй-қўзилари боқиладиган яйлов сифатида фойдаланиларди. Пахтачиликни ривожлантириш баҳонасида бундан 15 йил муқаддам сув омбори барпо этишга киришилган, бироқ қурилиш чала қолган эди.**

**Навоий вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан Кўксарой сув омборини бунёд этиш қайта бошланди. Самарқанд давлат лойиҳалаш институти ушбу қурилишнинг лойиҳасини тайёрлади. Унга кўра, эндиликда 11 миллион куб метр сиғимга эга бўлган сув омбори қурилади. Иншоот ишга туширилгач, Кўксарой қирларидан тортиб то Полвонтош адирларигача, у ёғи Зарафшоннинг ўнг соҳил қирларигача бўлган 1,5 минг гектар ерни ўзлаштириш имкони яратилади.**

**Шу туфайли Пўлкан шоир номли, "Зарафшон", "Оқ олтин", Қосим Раҳматов, Эшмурод Абдиев номли хўжаликларнинг сувга бўлган эҳтиёжи қондирилади ва улар учун яна қўшимча 1000 гектар янги ер ўзлаштирилади.**

**Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири.**

## АЁЛЛАРГА БАҒИШЛАНАДИ

Наманган вилоятидаги ўлкашунослик музейида очилган кўргазмадаги асарлар қизлар гўзаллигининг мафтункорлиги, оналикнинг малоҳати, аёл қалбининг сирлилиги тўғрисида ҳикоя қилади.

Кўргазма мамлакатимиз Президенти томонидан эълон қилинган Аёллар йилига бағишланди ва "Сен муқаддассан, аёл!" деб аталди. Кўргазмада ўттиздан ортиқ наманганлик мусаввирларнинг тасвирий асарлари намойиш қилинмоқда.

**Н. ХЎЖАЕВА, ЎзА мухбири.**

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

## ТЕКШИРУВЛАР ЎТКАЗИЛИБ, ЧОРАЛАР КЎРИЛДИ

**Газетанинг шу йил 1 май сонида «Кеп қолинг, дори сотаман» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилганди. Унда дори-дармон сотиш борасидаги камчиликлар очиб ташланганди.**

**Газетанинг ушбу чиқиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси «Дори-дармон» давлат акционерлик уюшмасидан жавоб мактуби олинди. Унда айтилишича, мақола уюшма ходимлари, унинг барча вилоят бирлашмаларида, дорихона муассасаларининг раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинган. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада дори-дармонларни сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонига биноан дори-дармонларни дорихона муассасаларидан ташқарида, бозорларда, кўчаларда, жамоат жойларида сотиш қатъиян ман этилганлиги инобатта олинган ҳолда жойларда «Дори-дармон» давлат акционерлик бирлашмалари томонидан шаҳар, туман ҳокимиятлари ҳуқуқшунослари, солиқ инспекцияси ходимлари билан биргаликда ушбу Фармоннинг бажарилиши юзасидан рейдлар ўтказилиши белгиланди.**

**1999 йилнинг биринчи чорагида республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда жойлардаги вилоят соғлиқни сақлаш бўлимлари қошидаги сифат назорат комиссиялари томонидан, мулк шаклидан қатъий назар, 708 та дорихона муассасаларида текширув ўтказилган. Уюшма ва вилоят бирлашмалари томонидан ушбу текширувлар бўйича тегишли чоралар кўрилган.**

**Бундан кейин ҳам уюшма бошқаруви соҳа ишларини назорат қилиб боради.**

# ИСТИҚБОЛЛИ НАВЛАР КЎПАЯДИ



### «ЖУРНАЛИСТЛАР КЛУБИ»

«Бритиш Американ Тобако Ўзбекистон» компанияси қошида анчадан буён «Журналистлар клуби» фаолият кўрсатади. Унга журналист, компаниянинг алоқалар бўйича менежери Бахтиёр Насимов раҳбарлик қилади. Клубда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида бот-бот учрашув, мулоқот, турли мавзуларда семинар ва конференциялар бўлиб туради. Клубни компанияда амалга оширилаётган турли-туман янгилик, катта-кичик тадбирларни тезда жамоатчиликка ёядиган марказга қиёс қилиш мумкин. Клуб аъзоларининг қисқа муддат давомида бир неча бор Самарқанд тамаки фабрикаси, Ургут ферментация заводига сафар қилишга, кенг жамоатчиликни уларнинг фаолияти билан атрофлича таништиришга улгурганининг боиси ҳам ана шунда. Клуб яқинда яна бир сафар уюштирди. Бу галги сафар манзили —

### УРГУТ ФЕРМЕНТАЦИЯ ЗАВОДИ

Унга ташриф дастури анча тигиз экан: бир кунда бориб, танишиб, яна қайтиш керак. Йўлнинг ўзи Тошкентдан уч-тўрт соат вақт талаб қилади. Қайтиш ҳам шунча. Лекин ўзимизни «СамКочавто»нинг яп-янги «Отайўл» микроавтобуси узоқ йўлни яқин қилди. Рости, билмас эканман: шаҳар ичида қатнайдиган «Отайўл»ларни кўриб «СамКочавто» фақат шундай микроавтобуслар чиқарар экан-да, деб ўйлаган эканман. Йўқ, шинам, иссиқ-совуқ ҳаво берадиган, узоқ йўлларга мослаштирилган хиллари ҳам бор экан. Нима бўлса ҳам ўзимизники-да, шунданми йўлда кетаётиб ўзимда ғурур туйдим...

Эрталаб соат олти яримда йўлга чиқдик... Шу ерда озгина чекиниш қилсак. **«Бритиш Американ Тобако» компанияси, айниқса, 1994 йил — ҳозирги «БАТ Ўзбекистон» ташкил этилганидан кейин бизнинг мамлакатимизда ҳам тез-тез тилга олинадиган бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, у тамаки ишлаб чиқариш бўйича дунёда иккинчи ўринда туради. Компания ишлаб чиқараётган маҳсулотларни бугунги кунда дунёнинг исталган мамлакатидан харид қилиш мумкин. Компанияда жаҳон бўйича 120 мингдан зиёд киши хизмат қилади. Тамаки маҳсулотлари етиштирадиган 250 мингта яқин фермер хўжаликлари ундан ёрдам ва тавсиялар олиб туради. Компания нафақат тамаки маҳсулоти тайёрлайди, балки унинг хилма-хил, самарали навлари устида тажриба, илмий кузатишлар ҳам олиб боради. Энг қувончлиси, ўтган йил ноябрнинг бошида Самарқанд фабрикаси ўз маҳсулотини биринчи марта валютага экспорт қилди. Ички бозор эҳтиёжининг ярмидан кўпини «БАТ Ўзбекистон» маҳсулотлари ташкил этмоқда...**

... Ургутга кундуз соат ўн бирларда етдик. Бизга «БАТ Ўзбекистон» компанияси Самарқанд ва Ургут филиали директори Ален Саше, Ургут ферментация заводи бошқарувчиси Ричард Ньютон пешвоз чиқди. Адашмаган эканмиз, Ричард Ньютон ҳақиқатан ҳам бутун олам тортишиш қонуниятини яратган машҳур олим

### ИСААК НЬЮТОННИНГ АВЛОДИ

экан. Унинг айтишича, Исаак Ньютон гарчи 85 йил умр кечирган эса-да, оила қурмаган. Лекин бахтига олимнинг отасининг уч акаси — амакиларидан ўғил-қизлар қолган. Исаак ва амакилари Англиянинг Уорсшорп ва Ланкошир деб аталувчи қишлоқларида яшашган. Ургут ферментация заводининг бошқарувчиси Ричард Ньютоннинг отаси Ньютонлар оиласининг XVI асргача бўлган тарихини обдон ўрганиб чиқибди. Улар 1524 йилда туғилган Симон Ньютоннинг зурёдлари экан. У маҳаллий солиқчи бўлиб, Исаак Ньютоннинг бувасининг буваси бўлган экан...

Ургут фермантация заводида айни пайтда 250 нафар доимий ходимлар, 635 нафар мавсумий ишчилар меҳнат қилишмоқда. Иш икки сменада ташкил қилинган. Натижада бир мавсумда 11 минг тонна тамаки ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлибди. Биз ишчиларнинг даромадлари билан қизиқдик. Ҳар бир ишчининг ўртача маоши 12-14 минг сўмни ташкил қилар экан. Овқат ва йўл бепул. Завод Американинг замонавий «Мактавиш» компанияси етказиб берган қурилма билан жиҳозланган. Қурилма линиялари компьютер ёрдамида кузатилади ва бошқарилади. Қурилманинг узунлиги 200 метр. Иккита линия соатига 6 тонна ҳажмдаги тамаки баргини истеъмолчи талабига мувофиқ навларга ажратиш қувватига эга. Ишлаб чиқариш жараёни содда ва қулай: сараловчилар тамаки баргини аввал навларига қараб қўлда ажратадилар. Линия орқали келган барглар автоматик тарзда тозаланиб, меъёрига етказилгач, 50 килограммли қопларга зичланади. Ана шундан кейин бижғитилади. Агар омборхона шароитида табиий бижғитиш жараёни етти ой давом этса, заводда сунъий бижғитилганда бор-йўғи 8-10 кун кифоя қилади. Етти ой қаерда-ю, ўн кун қаерда! Ургут ферментация заводини босқичма-босқич қайта қуриш ва жиҳозлаш учун компания томонидан 25 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланибди.

Сифатли ва рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш, энг аввало, унинг хомашёси нечоғли эканига боғлиқ бўлади. Шу боис бўлса керак, «Бритиш Американ Тобако Ўзбекистон», даставвал, асосий эътиборни ишлаб чиқариш билан бирга тамакининг энг яхши навларини танлаш ва уни Ўзбекистон иқлими, тупроғи шароитида етиштиришнинг самарали усулларини яратишга қаратди. Ва ана шу мақсадда махсус тадқиқот станцияси ташкил этилди.

Маълумки, Ургут шароитида шу пайтгача тамакининг фақат «Дубек» нави экиб келинарди. Айни пайтда бу ерда компания мутахассисларининг кўмаги билан Туркияда яратилган «Измир» нави ҳам экила бошланди. Мутахассисларнинг фикрича,

### «ИЗМИР» НАВИ

асосан тоғ ва тоғ ёнбағирлари учун мослаштирилган. Сув ва ўғитни бошқа навларга нисбатан жуда оз талаб қилади. Энг муҳими, унга, айни пайтда, жаҳон бозорида талаб катта. Шу боис бўлса керак, у анча юқори баҳоланади. Бу ўз навбатида тамакикорлар учун ҳам фойдалидир. Масалан, компания ўтган йил улардан «Дубек»нинг биринчи навини 140 сўмдан харид қилган бўлса, «Измир» олий навининг бир килосига эса 300 сўмдан ҳақ тўлади. Жорий йилда 400 сўм атрофида бўлиши кутилмоқда. Компания мутахассислари агар «Измир» Ўзбекистон шароитида кенгайиб, юқори ҳосил бера бошласа, келажакда бошқа мамлакатлардан олиб келинаётган тамаки навлари ўрнини бемалол босиши мумкин, деб ҳисоблашмоқда. Ўтган йил «Измир»дан 600 тонна ҳосил олинган эди. Компания жорий йилда унинг миқдорини 2 марта кўпайтиришни режалаштираяпти: 1200 тонна. Шундан 800 тоннаси Ургут туманида етиштирилса, 400 тоннаси Пайариқ тумани ҳамда Қашқадарё вилоятининг тоғ ва тоғ олди майдонларида етиштирилади. «Измир»ни икки-уч йилнинг ичида 3 минг тоннага етказиш кўзда тутилган. Бунинг учун тадқиқот ва тажриба станцияси мутахассислари деҳқонлар ва хўжаликларга махсус қўлланма ҳамда тавсияномалар ишлаб чиқиб, тарқатишди. Энг қизиғи, айни пайтда, «Измир»га деҳқоннинг ҳам, хўжаликнинг ҳам қизиқиши ортган: у биринчидан кам меҳнат ва маблағ талаб қилса, иккинчидан, харидоргир ҳамда харид нархи анча баланд, учинчидан, у шу пайтгача яроқсиз ёки кам ҳосил деб аталган ерларда ҳам яхши ҳосил беради.

Компания вакиллари сўзимизга ўзлари кўриб ишонишсин, дебми бизни мутахассислар билан

### ТАМАКИ ДАЛАСИДА

бирга бўлиш учун таклиф этишди. Улар бизни туманнинг «Улуғбек» жамоа хўжалигига бекорга таклиф қилишмаган экан. Чунки «Измир», аллақачон тупроқда мустаҳкам илдиз отиб, ердан ярим қарич баландга бўй чўзишга улгурган. Бизга хўжалик раҳбари Мавлон Шомаликов ҳамроҳлик қилди.

— «Измир»ни дастлаб бўладими, бўлмайдими, деб 7 гектарга эккан эдик. Қарасак, ёмон эмас экан, — дейди Мавлон ака. — Ўтган йил 200 тонна тамаки олдик. Хўжалик ана шунинг ўзидан 40 миллион сўм даромад қилди. Бу йил 300 гектарга экаяпмиз. Хўжалигимизда 4 минг гектар «Измир»боп — фойдаланилмаётган тошлоқ ва яйлов ер бор. Агар ана шу ерларнинг ҳаммасини ўзлаштириб, «Измир» эксак, ёмон бўлмасак керак.

Мутахассислар «Измир» дастлаб Туркияда синалгани, Ургутнинг иқлими ва шароити унга ниҳоятда ўхшашини, шу боис ҳам у истиқболли нав эканини айтишди. Энг аҳамиятлиси, «Измир» Ургутда анъанавий нав ҳисобланган «Дубек»ка тўсқинлик ёки рақобат қилмас экан. Чунки «Дубек» ўсган шароитда «Измир», «Измир» ўсган шароитда эса «Дубек» ривожланолмас экан.



Компания, айни чоғда 1999-2000 йил учун тумандаги 21 хўжалик билан 15 минг тонна тамаки олишга шартнома тузмоқда. Унинг шартларига мувофиқ компания хўжаликларга шартнома умумий суммасининг 25 фоизи ҳажмида аванс беради. Бу яхши. Лекин бу борада айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Компания хўжалик билан шартнома тузади. Ва, табиийки, аванс пулини хўжалик ҳисобига ўтказади. Лекин хўжаликка тушган пул деҳқонга ўз вақтида етиб бормаяпти. Устига устак, хўжалик билан деҳқон ўртасидаги шартномада белгиланган тамаки харид нархи ҳам унчалик баланд эмас. Натижада одамлар завод билан хўжалик воситасида эмас, аксинча, бевосита шартнома тузишни афзал деб билишмоқда. Агар завод билан деҳқон ўртасида бевосита шартнома тузилса, тамаки хомашёсига тўланадиган пул заводдан тўғри деҳқоннинг халқ банкидаги ҳисоб рақамига келиб тушади. Ер эса хўжаликники. Шундай экан, хўжалик ҳеч қачон ўзининг четлаб ўтилишига йўл қўймайди. Демак, деҳқон фақат шахсий томорқасида экилган маҳсулотинигина заводга тўғридан-тўғри топшириши мумкин. Унда савол туғилади, хўш, завод тамаки хомашёсининг пулини хўжаликка ўз вақтида бераётган экан, хўжалик бу пулни нега деҳқонга ўз вақтида етказолмаяпти? Хўжалик нега эҳтиёжларини фақат тамаки эвазига қоплаши керак? У ички эҳтиёжларини қоплашнинг бошқа йўл ва усулларини топса бўлмайдими? Бу эса табиийки, бир томондан деҳқонларнинг тамакига нисбатан қизиқишини сусайтирса, иккинчидан, деҳқонни бошқа харидор излашга мажбур қилади. Завод маъмурларининг айтишларича, ўтган йиллар давомида «БАТ Ўзбекистон»дан ташқари яна ўн тўртта фирма ва компания Ургутдан ноқонуний равишда тамаки хомашёсини харид қилган. Очиқроқ айтганда, деҳқонлар уларга маҳсулотларини сотишга мажбур бўлишган. Борди-ю, шундай ҳол юз бераётган экан, демак, завод, хўжалик ва деҳқон муносабатлари ўртасида чалкашлик ёхуд нотабиийлик юз бераётгани аниқ. Шу ўринда мамлакатимиз тамаки саноати ва ишлаб чиқаришида «Бритиш Американ Тобако Ўзбекистон» компанияси ҳозирча монополист корхона эканини ҳам ёдда тутишимиз керакка ўхшайди. Хулоса қилиб айтганда, мазкур муаммо бугунги кунда ҳам компания, ҳам тамаки хомашёсининг асосий қисмини етиштирадиган маҳаллий ҳокимият учун бирдек муҳим ва долзарб масалага айланган кўринади.

**Исмат ХУДОЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАЪМИРЛАШ — 20 ИЮНГАЧА

## Касби туманида ҳар йили мактабларни таъмирлаш ишлари ана шу муддатда тугалланади.

***Ўқув йили охирлай бошлаши билан муаллимларга мактабни таъмирлаш ташвиши тушади. Касби туманидаги муаллимларга ҳам бу ташвиш бегона эмас. Аммо бошқалардан фарқли ўлароқ, улар бу иш билан фақат ўқув йили охирида эмас, балки йил давомида шуғулланадилар. Шунинг учун мактаблардаги синфхоналар худди янгигина таъмирдан чиққандек туюлади.***

Ойбек номли 16-ўрта мактабда бўлганимизда айнан шу ҳолнинг гувоҳи бўлдик. Мактаб директорининг ўқув-тарбиявий ишлари бўйича ўринбосари Музаффар Муқимовнинг айтишича, мазкур ўқув йилида мактабда 937 ўқувчи 2 сменада таҳсил олибди. Янги ўқув йилида болалар сони янада кўпаяркан. Шунга қарамай синфхоналар шинам ва озода.

Маълум бўлишича, халқ таълими бўлимидан таъмирлаш ишлари учун 30 килограмм бўёқ, 15 килограмм олиф, 400 килограмм оҳак ажратилибди.

Хўш, бу нима бўлади? Бу билан неча синфхонани таъмирлаш мумкин?

Хаёлимиздан ўтган бу саволни уққандек Музаффар Муқимов изоҳ беради:

— Ота-оналар қўмитаси аъзолари ўзаро келишиб, синфнинг ҳолатига қараб, зарур таъмирлаш ишларини йил давомида бажариб борадилар. Ундан ташқари, Алишер Навоий номли хўжалик раҳбарияти мактабимизга ҳомийликни ўз бўйнига олган. Зарур қурилиш материаллари билан таъминлашади. Энг асосийси синф хоналари, мавжуд ўқув қуролларидан асраб-авайлаб фойдаланиш диққат марказимизда бўлади. Ҳар бир ўқувчига ота-онаси ҳам, муаллими ҳам буни доимий равишда тушунтириб боради. Шунинг учун ҳам аксарият синфхоналарни туб таъмирлашга эҳтиёж қолмайди.

Насрулло Жамолов номли 10-мактабга ҳам туман халқ таълими бўлими томонидан айтарли кўп қурилиш материаллари ажратилмаган. Лекин «Хотира музейи» учун ишлатилган ёғочларни, нақшинкор эшик ва деразаларни, ганч безакларни кўриб, ҳали савол беришга улгурмаган эдик ҳамки, мактаб директори Жўра Ҳалимов гап бошлаб қолди:

— Буларни ҳамқишлоғимиз, фермер Ҳабибулло Раҳимов ўз ҳисобидан олиб берди. Эшик-дераза ромларини ясаган, ганчдан безак берган уста эса ўзимизнинг тасвирий санъат ўқитувчимиз Муфаззал Муҳаммадиев бўлади.

Айнан ана шу ўқитувчи, ўз мактабида бадиий графика тажриба синов ишларини олиб борганлигини айтишди. Яқинда шу мавзуда мазкур мактабда республика амалий семинар-кенгаши ҳам бўлиб ўтибди.

— Мен сизга айтсам, — дейди туман халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Юсуф Мажидов, — Муфаззалнинг мактабга қилган ишларини пулга чақсак, 1 миллион сўмдан ҳам ошиб кетади. Аммо у бир тийин ҳам олмасдан шу ишларни бажараяпти.

Ҳақиқатан ҳам унинг қўли билан жило берилган «Ўқитувчилар хонаси», айниқса, тасвирий санъат кабинетига кирган киши ҳайратининг чеки бўлмайди. Унинг ўз қўли билан ясаган юзлаб кўргазмали қуроллар, бадиий полотнолар, ҳамма-ҳаммаси ҳавас қилгулик.

Ана шу мактабда яна бир антиқа хона бор. Ундаги нарсалар республикамизнинг ҳеч қайси мактабида бўлмаса керак. Қашқадарё тоғларида, чўлу ўрмонларида неки ҳайвон (ҳатто йиртқичлари ҳам), неки қуш бўлса, улар шу хонада жамланган. Албатта, қотирилган ҳолатда. Уларни йиғиш, қотириш, дорилаш, асраш бир кунлик иш эмас. Биология ўқитувчиси Абдулбоқи Ҳамидов бунинг учун озмунча вақт, куч-ғайрат сарфлаганми? Тўғри, унга ҳамқишлоқлари ҳам яқиндан ёрдам беришади. Масалан, яқинда оғайнилари чўлдаги хўжаликдан эчкиэмар тутиб олишибди. Уни ҳам Абдулбоқи ака тозалаб, дорилаб, қотириб экспонатлари қаторига қўшиб қўйибди.

Унинг саъй-ҳаракати билан мактабда росмана гулхона ташкил этилган. Гуллар сони беадад. Йил давомида мактаб ҳисоб рақамига гул сотиш эвазига 80 минг сўм тушибди.

— Бу оз, албатта, — дейди Абдулбоқи Ҳамидов. — Чунки гул тувакларимиз асосан бўёқдан бўшаган идишлардир. Шунинг учун гуллар нархи паст бўлаяпти. Энди кулоллик цехи очаяпмиз. Худо хоҳласа, ҳадемай чиройли гултувакларни ўқувчиларимизнинг ўзлари мактабда тайёрлай бошлашади.

Усмон Юсупов номли мактабга республика Халқ таълими вазирлиги томонидан 11 та компьютер туҳфа этилибди.

Маълум бўлишича, мактаб республика миқёсида биология фанини ўқитиш бўйича тажриба синов майдончасига айлантирилган бўлиб, компьютерлар ана шу ишлар натижаларини таҳлил қилишда қўл келаётган экан.

— Мактабда биология фанини ўқитиш, бўйича бой тажриба тўпланган, — мамнуният билан эътироф этди Абдулла Авлоний номли Республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институтининг табиий фанлар кафедраси мудири Азиз Аъзамов. — Ботаника, зоология, одам ва унинг саломатлиги, умумий биология синф хоналарини кўрсангиз, бунга ўзингиз ҳам иқрор бўласиз.

Ҳа, домланинг айтганича бор. Умуман мактабдаги ҳар бир синф, йўлак, фойелар бўёқлари ялтиллайди, тоза, озода.

— Ҳомийларимизга раҳмат, — хурсанд бўлиб гапиради мактаб директори Абдижалил Каримов. — Айниқса, Олим Ғозиев, Султон Ҳамроев, Довуд Сиддиқов, Шавкат Носиров, Пўлат Шириновлар доимий равишда мактабга ёрдам бериб келишаяпти. Алишер Навоий номли хўжалик раҳбарияти эса ҳамиша биз билан. Шунинг учун ҳам таъмирлаш ишлари бизда кўпга чўзилмайди. Ундан ташқари, ўзимиз ҳам қараб турмаймиз. 70 сотих ерга ғалла экканмиз. Камида 2 тонна дон оламиз. 40 туп ток, 70 туп ўригимиз бор. Бозорга пиёз, карам, помидор ҳам чиқарамиз. Шулардан тушган пулни эҳтиёжимизга сарфлаймиз.

— Шу ўринда яна бир нарсани айтай, — суҳбатга қўшилади Юсуф Мажидов. — Қори Ниёзий номли 43-ўрта мактабда синф жамғармаси тузилган, махсус Низоми ишлаб чиқилган. Бу тажриба барча мактабларга ёйилмоқда. Шу тариқа, ҳар бир синф, мактаб аста-секин ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга интилади. 12 та мактабимиз банкда ўз ҳисоб рақамига эга.

Тағин бир гап. Бизда хўжалик раҳбарлари мактабларга доимий равишда кўмак бериб келишаяпти. Масалан, Ҳамза Хўжақулов номли хўжалик раҳбари Эргаш Турсунқуловнинг саъй-ҳаракати билан 2 та мактабга табиий газ келтирилди, компьютер олиб берилди. Шундай ишлари учун у «Халқ таълими ҳомийси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Лекин бу дегани ҳамма нарса мактабларнинг ўзларига ташлаб қўйилади, дегани эмас. Туман халқ таълими бўлимидан берилган маълумотларга кўра, туб таъмирлаш ишлари учун 4 миллион 700 минг сўм ажратилган. 350 куб метр дераза ойнаси, 8 тонна оҳак, 2 тонна цемент, 4700 килограмм бўёқ ажратилган. Бу эса тумандаги мавжуд 53 та мактабни 20 июнгача бемалол таъмирдан чиқариб, янги ўқув йилига тайёрлаб қўйиш имконини беради.

Туман ҳокими Номоз Сариқовнинг айтишича, ҳар бир мактаб ихтиёрига ер берилибди. Тўғри, ҳозирча бу ерлар мактаблар балансида эмас. Фақат шартнома асосида экилган экиндан келган даромаддан мактаб аҳли ҳам манфаатдор бўлишаётган экан. Балки келгусида ҳар бир мактаб учун муайян ер ажратилар ва бу ҳақиқий тажриба-синов майдонига, айни пайтда даромад манбаига айланар. Албатта, буни келажак кўрсатади. Лекин шуниси аниққи, Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги мактабларда ҳақиқий фидойи инсонлар астойдил меҳнат қилишаяпти, изланишаяпти, янги-янги педагогик тажрибаларни амалиётга жорий этишаяпти ва маълум ютуқларни қўлга киритишаяпти. Бу эса касбилик муаллимларнинг нафақат мактабларни таъмирлашда, балки бошқа соҳада ҳам ўзига хос ва ибратли тажриба тўплаганлигидан далолатдир.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## «ҲАШАРЧИЛАРСИЗ ИШЛАЙМИЗ»

**Шароф Рашидов тумани Мирзачўлнинг энг чекка, шароити оғир ҳудудларидан бири ҳисобланади. Бу йил илк бор вилоят марказидан дала ишларига жалб этиладиган ҳашарчилардан воз кечилди. Айни кеча-кундузда туман хўжаликларида ўн минг нафар чопиқчи ва 380 та ишлов трактори кучидан унумли фойдаланилмоқда.**

**Бугунги кунгача 22,5 минг гектар пахта майдонига иккинчи бор ишлов бериш поёнига етказилди. «Бахмал», «Дўстлик», Шароф Рашидов номли, Узоқов номли ширкат хўжаликларида бу тадбир айниқса уюшқоқлик билан ўтказилиб, ниҳолларга биринчи сув тараш бошлаб юборилди. Туман пахтакорлари жорий йилда четдан ёрдамчи олмаган ҳолда 51 минг тонналик хирмон уйиш учун астойдил меҳнат қилишаяпти.**

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ДУРКУН ҒЎЗАЛАР

*Хива туманидаги Огаҳий номли жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил 850 гектар майдонга чигит қадашган. Улар агротехник тадбирларни ўз вақтида қўллаб чигитни ундириб олишди. Ҳозир барча пайкалларда ғўзалар дуркун ўсмоқда.*

**СУРАТЛАРДА: сувчилар Иброҳим Машарипов ва Матёқуб Жуманиёзов; хўжалик раиси Отаназар Пирназаров бригада бошлиғи Отабой Машарипов билан.**

**Т. ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган суратлар.**



## БАЙРАМ ЮКСАК САВИЯДА ЎТАДИ

Жиззах вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 8 йиллиги байрамини ўтказиш бўйича тузилган ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев олиб борди.

Йиғилишда бу йилги қутлуғ байрамни вилоятда, хусусан унинг маркази Жиззах шаҳрида алоҳида кўтаринкилик ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан юксак савияда ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Байрамни ўтказиш штабининг бошлиғи, касаба уюшмалари вилоят Кенгаши раиси Қ. Рафиқов, байрам тантаналарини ўтказиш бош режиссёри Б. Ҳамидовнинг ахборотлари тингланди.

Ташкилий қўмита йиғилишида байрам тантаналарини уюшқоқлик билан ташкил этиш, уни ҳақиқий халқ байрамига айлантириш бўйича мутасадди раҳбарларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири.**

## ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида Ўзбекистон қўшиқ байрами кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда 30 дан ортиқ бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва якка хонандалар иштирок этди. Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройи яккахон ашулачиси Шерзод Остонов Алишер Икромов мусиқаси, Иброҳим Жиянов шеъри билан ижро этган "Ўзбекистоним" қўшиғи учун 1-даражали диплом билан тақдирланди. Энди у кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашади.

**Ёркул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

# ОНА-ЮРТ КЎЗГУСИ

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

## "ЗИНГЕР" — БЎЗ ТУМАНИДА

**Бўз тумани ҳокимлиги ташаббуси билан Андижон вилоят меҳнат ва бандлик бошқармаси ҳамда Германиянинг машҳур "Зингер" фирмаси билан ҳамкорликда тикувчилик корхонаси барпо этилди.**

**Хорижий ҳамкорга ишлаб чиқариш бинолари берилди, улар таъмирланиб, "Зингер" маркали тикув машиналари ва бошқа зарур ускуналар ўрнатила бошланди.**

**Янги қўшма корхона учун 80 нафар чеварлар — бичиш ва тикиш усталари танлаб олинди, ҳозир улар янги техникада ишлашни ўрганишмоқда. Чеварлар жаҳон андозалари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришлари лозим бўлади. Маҳсулотнинг бир қисмини хорижга чиқариб сотиш мўлжалланмоқда.**

## НАВОИЙ МАРМАРИ

**Италиянинг «Педрини» фирмаси дастгоҳлари «Ғозғон мармар» корхонасига ўрнатилди. Бу — Тошкент, Нукус, Бухородаги мармарга қайта ишлов берувчи корхоналардан кейинги мамлакатимиздаги тўртинчи иншоотдир. «Педрини» жаҳондаги 60 та мамлакат билан алоқа боғлаган. Унинг технологияси асосида қайта сайқал топаётган мармар плиталар довруғи дунёга машҳур. Италиялик тадбиркорлар Ғозғон мармарига 1,4 миллион АҚШ доллари ҳажмида сармоя киритдилар. Дастгоҳларни фирма мутахассислари ўрнатиб ишга туширишди. Муҳими, Навоий мармари эндиликда жаҳон бозорига чиқади.**

## ХОРИЖ БИР ҚАДАМ

**Мустақил республикамизнинг 8 йиллиги нишонланиши арафасида Хоразм вилояти алоқачилари бир нечта туманларда янги телефон станцияларини ишга туширишмоқда. Шулардан бири Хонқа тумани марказида жаҳон андозаларига тўла мос келадиган Жанубий Кореянинг ДЭУ фирмаси ва Урганч шаҳридаги «Алоқа ДЭУ» заводи билан ҳамкорликда ишга туширилган замонавий телефон станциясидир. Янги телефон станцияси 4 минг номерли сиғимга эга. Унинг эски АТСлардан афзаллик томонлари жуда кўп: туман аҳолиси тез ва сифатли алоқага эга бўлибгина қолмай, балки дунёнинг турли бурчаклари билан бир зумда алоқа ўрнатишлари мумкин. Ҳозир абонентларнинг телефонларини янги АТСга улаш ишлари жадал бормоқда. Хонқа туман электр алоқа боғламаси муҳандиси Озод Нурметовнинг ушбу хабарни қувончи ичига сиғмай газетага йўллагани шундоққина сезилиб турибди.**

## СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНДИ

**Кегейли туманидаги "Ободёрмиш" канали қуйи қисмида янги сув кўтариб бериш иншооти қуриб битказилди. Унинг ёрдамида олинган сув Кегейли, Нукус ва Бўзатов туманлари хўжаликларига берилади. Натижада бир неча минг гектар экинзор сув билан кафолатли таъминланади.**

**Иншоотни "Оролсувқурилиш" бирлашмасига қарашли Кегейли 9-қурилиш бошқармаси жамоаси бунёд этди. Шу мақсадда 12 миллион сўм маблағ сарфланди.**

## ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

**Тошкент вилояти "Матлуботсавдо" акциядорлик компанияси тизимида замонавий жиҳозланган ишлаб чиқариш тармоғи яна биттага кўпайди. "Қибрайнон" корхонаси янги мажмуи маҳсулот бера бошлади. Илғор технология матлуботчиларга кунига 3,6 тонна маҳсулотни сотувга чиқариш имконини берди.**

**Компания тизимида йил бошидан буён тўққизта ана шундай замонавий ишлаб чиқариш цехи ташкил этилди. Натижада 130 нафар ёш иш билан таъминланди.**

# ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ МАРКАЗИ

## хусусийлашди. Унинг самараси қандай бўлмоқда?

Уни кўплар ихлос билан "доктор Олимжонов" деб атайди. Табиатан дилкаш, хушчақчақ бу йигит вилоят миқёсидаги 1-болалар клиник касалхонаси кардиология бўлимида шифокор, тиббиёт олийгоҳида муаллим, кафедрада докторлик ҳимоясига тайёрланаётган иқтидорли олим. Лекин гап тиббиёт фанлари номзоди, доцент Иброҳимжон Олимжоновнинг хусусий "Диагностика ва даволаш маркази" хусусида.

Ўз умрини турли хасталикларни чекинтириш, кишилар дардига малҳам қўйиш ва шу йўл билан улар умрини узайтириш, охир-оқибат инсонларга бир олам қувонч, хотиржамлик улашишга бахшида этаётган Иброҳимжон сурункали олиартритга чалинганларни даволашнинг самарали усуллари устида изланишлар олиб борди. Докторлик иши ҳам ана шу тадқиқотларнинг узвий давоми.

Дарднинг катта-кичиги бўлмайди. Бироқ полиартрит, артритга чалинган бемор бўғинларининг яллиғланишидан озмунча азоб чекмайди. Сал бепарво қолинса, дард устига чипқон деганларидек, юрак, жигар, буйрак, камқонлик ва бошқа касалликлар ҳам хуружга ўтиши мумкин. Доктор Олимжонов марказининг бошқа шифохоналардан ажралиб турадиган томони шундаки, бу ерда ўнлаб хасталиклар битта одамнинг қўлида чекинади. Айтайлик, камқонликка чалинганлар жигарини ёки буйрагини даволатиш учун яна бир шифокорнинг эшигига бош урмайди, қоғоз устига қоғоз тўлдирмайди, дорихона-ма-дорихона қатнамайди.

— Бемор ўзини текширтиришга келдими, унга ташхис қўйиладими, ЭКГ хулосаси зарурми, ҳаммаси бир зумда доктор Олимжонов назоратидан ўтади ва муолажага киришилади, — дейди беморларнинг бири.

— Дори-дармонлар учун қаерга борилади? — сўраймиз доктордан.

— Аввало, дорихоналар сероб. Қолаверса, шундоқ ёнимизда "Акмал" дорихонаси ишлаб турибди. Беморларга зарур бўлган дориларга буюртмани ўзимиз берамиз.

— Олтинкўлдаги бир кичик корхонада ишлайдиган Абдураҳмон Маҳаматов сизни "Оиламизнинг ўз шифокори", деганди...

— Ҳа, уларнинг отаси — Ҳожидадани юрак хасталиги ва бошқа бир қанча касалликлар безовта қилади. Уйларига кўп борганман. Ҳожидадани кўргани борганимда оилада оқсоқолдан бошқа яна ким оғриса, уни ҳам кўриб, даволайман. Кейинги сафар икковларининг ҳолатини кўргани бораман.

Умуман, доктор Олимжонов оиладаги етти кишининг ўз шифокори, сирдоши. Бу каби оилалар ҳозир юздан ортиб кетди.

— Сиз болалар шифокори эдингиз-ку?

— Шундай. Болалар шифохонасида ишлайман. Илмий ишим ҳам болалар касалликлари бўйича. Лекин шифокорлик чегараланишни кўтармайди. Бўғинларнинг сурункали яллиғланиши кўпроқ ирсиятга алоқадор. Содда қилиб айтсам, суяк суради. Шунинг учун беморнинг оила аъзоларини ҳам кўрикдан ўтказаман. Хавотирим алдамайди. Баъзан бемор болакайга қўшиб унинг опаси, акаси, дадасини ҳам даволашга тўғри келади. Даволаш усули бир хил. Муолажа бир хил. Энди бошланаётган дарднинг олди олинади.

Мен ўтган йили малака ошириш курсида ўқиб келдим. Бизга инглиз мутахассислари сабоқ беришди. Инглизларда ҳар бир оиланинг ўз шифокори бўларкан. Бир умр битта шифокор назоратида бўлишаркан. Демак, улардаги шифокор кенг профилли бўлиши шарт. Ўйласам, бу жуда тўғри. Беморни кеча, ўтган йили қандай касаллик безовта қилганини, муолажа қандай кечганини, қайси дори-дармонга мойиллигини аниқ билсанг, даволашни ҳам тез, аниқ бошлайсан.

— Ҳам болалар шифохонасида, ҳам даволаш марказида ишлаш, институтда сабоқ бериш, уйда илмий иш ёзиш, инглиз тили курсида ўқиш...

— Ўзим учун улгуришим шарт. Чунки битта ишимга улгурмасам, қолган тўртта ишим ҳам издан чиқиб кетгандек туюлади. Бари бир-бирига занжирдек боғланган. Даволаш марказида ёлғиз эмасман. Абдумутал Орифхўжаев деган ажойиб шогирдим бирга ишлайди. У ҳам фан номзоди, доцент. Муҳаббатхон Орифхўжаева деган қобилиятли врач синглимиз ҳам бор. Бирга ишлаб, бирга фикрлаб, ҳар қандай муаммога ечим топамиз. Бамаслаҳат ҳамма ишга улгурамиз.

Марказимизга хизмат қиладиган "Тико" русумли машинамизга энг зарур тиббиёт асбоблари, биринчи ёрдам анжомларини ўрнатишга эришдик. Марказимизга УЗИ, яъни хасталикларга ультра товуш ёрдамида ташхис қўювчи қурилма олдик. Демак, беморларимиз учун анча қулайликлар яратдик.

Ҳа, тиббиётда ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташланиб қолди. Айниқса, олис қишлоқларда. Доктор Олимжоновга ўхшаш фидойилар тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларни қучоқ очиб қаршилаган экан, энди улар янгича фикрлаш, ишлаш билан ҳурмат топмоқдалар. Тиббиётнинг кашф этилмаган қирраларини очмоқдалар, ислоҳотлар одамларга, уларнинг манфаатларига хизмат қилажагини амалда исботламоқдалар.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

ALQUR
Бизнинг деразаларимиздан дунё гўзал кўринади.
Алюминийдан тайёрланган дераза ромлари ва витраж тизимлари:
- турли шакл, ўлчам, рангдаги дераза, эшик, витражлар тайёрлаш
- турли аркалар тайёрлаш
- чанг ва товуш ўтказмаслик
- ойналарнинг ҳаво ўтказмаслиги
- очиладиган ва суриладиган қурилма, жалюзилар ўрнатиш учун қулай
ёнғиндан хавфсиз.
йил мобайнида сервис хизмати кўрсатиш.
Якка буюртмалар қабул қиламиз.
Тўлов шакли турлича.
Япон технологияси асосида тайёрлаш
Сотамиз:
- Автомобиль кўтаргич, юк кўтариш қуввати -3000 кг.
- Шина созлаш мосламаси.
- Кўчма бўяш компрессори.
Барча анжомлар Жанубий Корея Республикасидан келтирилган
ALQUR
Манзил: Тошкент ш., Бектемир тумани, «Оҳангарон» шоҳкўчаси, 2. Тел.: (371) 185-67-78, Факс: (371) 98-47-00.
Бизнинг дилерларимиз: Андижон ш., Фитрат кўчаси, 214. Тел./факс (37422) 25-25-94. Навоий ш., "Феникс Ко" фирмаси, Тел. (43622) 30761.
1822

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳайъат аъзолари ва жамоаси Молия вазирлигининг Бухгалтерия ҳисоби услубияти ва аудит бошқармаси бошлиғи Тураб Жўраевга акаси

**Тоҳир ЖЎРАЕВнинг**

бевақт вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси жамоаси директорининг собиқ ўринбосари Марҳабо Бадаловага онаси

**Кимё БАДАЛОВАнинг**

вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти жамоаси институт директорининг илмий ишлар бўйича муовини Руслан Султановга падари бузруквори

**Акрам СУЛТАНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Шарқинтур» туристик фирмаси жамоаси фирма бош директори Нажмиддин Холиқуловга отаси

**ТАТАХОН отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

